



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 6 » октябрь

№ 601

Toshkent sh.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Хукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Хукумат комиссияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Хукумат комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари;

Хукумат комиссиясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги;

Хукумат комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби;

Хукумат комиссиясининг ишчи органлари ва котиби;

Хукумат комиссияси қарорларини қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш тартиби.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринbosари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “6” октябрдаги “601”-сон қарорига
илова

**Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича
Хукумат комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Хукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда – Хукумат комиссияси) асосий вазифалари, функциялари, ҳукуклари ва масъулияти, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Хукумат комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

3. Хукумат комиссияси ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

**2-боб. Хукумат комиссиясининг асосий вазифалари
ва функциялари**

4. Куйидагилар Хукумат комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- экспорт салоҳиятини ривожлантириш;
- инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;
- худудларда саноат кластерларини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;
- олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган “йўл хариталари”нинг ижросини назорат қилиш.

5. Ҳукумат комиссияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) экспорт салоҳиятини ривожлантириши масалалари соҳасида:

экспорт прогноз параметрларининг бажарилишини доимий равишда мониторинг қилиш, шунингдек келгуси йиллар учун экспорт прогнозини шакллантириш ишларини ташкил этиш;

худудлар ва тармоқ экспорт салоҳиятининг ўсиши ва сафарбар этилишига тўсқинлик қиласиган жорий ва тизимли муаммоларни аниқлаш;

нобарқарор ташқи конъюнктура, шунингдек янги турдаги халқаро таҳдид ва хатарлар (коронавирус пандемияси каби) шароитида мамлакатнинг экспорт қилиш салоҳиятини ривожлантириш;

экспорт фаолиятини амалга оширишда аниқланган муаммоларни ўрганиб, зарур ҳолларда жойида бартараф этиш чораларини кўриш;

экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш бўйича амалий, шу жумладан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

б) инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш масалалари соҳасида:

давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштирган ҳолда инвестиция дастурлари ва марказлашган инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини ташкил этиш;

инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ҳамда инвестиция оқимининг ўсиши ва уларнинг жалб этилишига тўсқинлик қиласиган жорий ва тизимли муаммоларни аниқлаш;

инвестиция дастурлари ва тармоқлар йўналиши доирасида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳолатини ўрганиш, ишга тушган ишлаб чиқариш лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш ҳамда вужудга келаётган муаммоларни, шу жумладан жойида бартараф этиш чораларини кўриш;

инвестиция лойиҳалари, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан келишиладиган кўп йиллик ҳамкорлик дастурлари ва стратегияларини тақдим этиш, улар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул вазирликлар, идоралар ва лойиҳаларни амалга ошириш гурухларининг ҳисботларини эшитиш, шунингдек, ушбу лойиҳаларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

в) ҳудудларда саноат кластерларини ташкил этиши ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириши масалалари соҳасида:

республика ҳудудларида саноатни жадал ривожлантириш ҳамда илм-фен, инновация, лойиҳа, молия, инжиниринг ва инвестиция ташкилотларини қамраб олган “саноат кластерлари”ни ташкил этиш;

маҳаллий хомашё ҳамда материаллардан самарали фойдаланиш асосида қўшимча қиймат занжирини яратишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

мамлакатнинг салоҳиятини инобатга олган ҳолда импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган, ҳалқаро стандартлар талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестициявий лойиҳа таклифларини тайёрлаш ҳамда инвесторларни жалб қилиб, уларни амалга ошириш;

г) олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳуҗжесатларни амалга ошириши юзасидан тасдиқланган “йўл хариталари”нинг ижросини назорат қилиши соҳасида:

“йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирлар, шу жумладан экспорт келишувларининг тўлақонли бажарилиши ҳамда инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

“йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларнинг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз вақтида ҳамда самарали ижро этилишини таъминлаш, тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан “йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларнинг ижро этилишида сунъий равишда чўзиш ва сансалорлик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

3-боб. Ҳукумат комиссиясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Ҳукумат комиссияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

жаҳон ва ички бозорда нарх ва талаб конъюнктураси, ишлаб чиқариш ва таксимот балансларидан келиб чиқиб, экспорт прогнозининг йиллик умумий кўрсаткичларини сақлаган ҳолда экспорт прогноз кўрсаткичларига ўзgartiriш киритиш, инвестиция дастурларига уларнинг умумий параметрлари ҳамда кўрсаткичларини сақлаган ҳолда тузатиш, қўшимча ва ўзgartiriшлар киритиш ҳамда олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган “йўл хариталари” ҳамда ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича “йўл хариталари”га ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш.

Бунда, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган хужжатларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган “йўл хариталари”, шунингдек, ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича “йўл хариталари”нинг умумий кўрсаткичларини ўзгартириш Ҳукумат комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

тегишли давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан Ҳукумат комиссиясининг ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Ҳукумат комиссияси фаолияти соҳасига оид масалаларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш учун мутахассислар ва илмий ходимларни жалб этиш;

Ҳукумат комиссияси қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ҳукумат комиссияси раиси комиссия фаолияти ташкил этилиши, унга юклangan вазифалар ва функциялар сифатли ижро этилиши, шунингдек, Ҳукумат комиссияси самарасиз фаолият юритган тақдирда, уни тугатиш бўйича таклифлар ўз вақтида киритилиши учун шахсан жавоб беради.

8. Ҳукумат комиссияси аъзолари ушбу Низомга мувофиқ уларга юклangan вазифалар ва функцияларни сифатли ва самарали бажариш, шунингдек, Ҳукумат комиссияси йиғилишларида шахсан иштирок этиш учун жавоб берадилар.

Ҳукумат комиссияси аъзосининг узрли сабабга кўра комиссия йиғилишида шахсан иштирок этиши имкони бўлмаганда комиссия йиғилишида иштирок этиш учун тегишли вазирлик ёки идорадан унинг ўрнини босувчи ходим (раҳбар) юборилади.

9. Ҳукумат комиссияси:

ўз фаолиятида белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ўрганиш учун доимий равишда республика ҳудудларига ташрифларни амалга ошириб боради;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ўзига юклangan вазифаларнинг ижроси тўғрисида ахборот киритиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика ҳудудларига ташрифлари якунлари бўйича қабул қилинган баённома топшириқларининг экспорт, инвестициялар, ҳудудий саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда бошқа ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги қисмининг ижросини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг тузилмасидаги Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси фаолиятини мувофиқлаштиради.

4-боб. Ҳукумат комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби

10. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташки иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташки савдо вазири Ҳукумат комиссиясининг раиси ҳисобланади, унинг ваколатига куйидагилар киради:

Ҳукумат комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Ҳукумат комиссияси йиғилишини (сайёр йиғилишини) чақириш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ушбу йиғилиш кун тартибини белгилаш;

Ҳукумат комиссияси фаолиятини назорат қилиш;

Ҳукумат комиссиясига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши юзасидан Ҳукумат комиссияси аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни, мажлислар баёнларини, иш режаларини ва комиссиянинг бошқа хужжатларини тасдиқлаш;

Ҳукумат комиссияси самарали фаолиятини таъминлашга оид бошқа функцияларни бажариш.

Қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Ҳукумат комиссияси раиси Ҳукумат комиссияси аъзолари билан сўров йўли билан келишилган алоҳида масалалар бўйича Ҳукумат комиссияси қарорларини тасдиқлаши мумкин.

11. Ҳукумат комиссияси раисининг ўринбосарлари ваколатига куйидагилар киради:

Ҳукумат комиссияси йиғилиши (сайёр йиғилиши)ни чақиришни ташкил этиш;

Ҳукумат комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан таклифлар тайёрланишини ташкил этиш;

тасдиқланган режага мувофиқ чора-тадбирлар режаси бажарилиши ва Ҳукумат комиссияси аъзолари иши устидан назорат қилиш;

тегишли давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш, тегишли ахборот ва таклифларни Ҳукумат комиссияси раисига киритиш;

Ҳукумат комиссияси раиси бўлмаганда ёки унинг топшириги бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишларига раислик қилиш;

Ҳукумат комиссияси самарали иш олиб боришини таъминлаш мақсадида бошқа функцияларни бажариш.

12. Ҳукумат комиссияси аъзолари куйидаги хуқуқларга эга:

Ҳукумат комиссияси йиғилишларида (сайёр йиғилишларида) кўриб чиқиладиган кун тартиbidаги масалалар бўйича муҳокамада иштирок этиш ва қарорлар қабул қилинишини таъминлаш;

Хукумат комиссияси томонидан кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан хулосалар тайёрлаш;

Хукумат комиссияси қарорлари ва юкландган вазифаларнинг ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисботни Хукумат комиссияси раисига тақдим этиш;

Хукумат комиссияси самарали иш олиб боришини таъминлашга оид бошқа функцияларни бажариш.

13. Мажлислар заруратга кўра Хукумат комиссияси раиси томонидан, у бўлмаган тақдирда эса унинг ўринбосарлари томонидан чақирилади.

Хукумат комиссияси мажлислари, агар уларнинг ишида Хукумат комиссияси аъзоларининг умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

14. Зарурат бўлганда, Хукумат комиссияси мажлисига кўриб чиқилаётган масалаларнинг хусусиятига қараб вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф қилинади.

5-боб. Хукумат комиссиясининг ишчи органлари ва котиби

15. Куйидагилар:

экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича – Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташки иқтисодий алоқалар масалалари котибияти;

худудий саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари бўйича – Вазирлар Маҳкамасининг Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти Хукумат комиссиясининг Ишчи органлари ҳисобланади.

Хукумат комиссияси котиби Хукумат комиссиясининг ишини юритади.

16. Хукумат комиссиясининг Ишчи органлари ва котиби:

Хукумат комиссияси фаолиятининг ташкилий-техник таъминотини амалга оширади;

иш режасининг лойиҳасини тайёрлайди, уни Хукумат комиссияси муҳокамасига киритади;

Хукумат комиссияси йиғилишида (сайёр йиғилишида) кўриб чиқиши учун материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, унинг иши ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун зарур бўлган ахборот ва материалларни тегишли давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлардан сўрайди ва олади;

Хукумат комиссияси йиғилишининг (сайёр йиғилишининг) кун тартибидаги масалалар бўйича тахлилий материалларни тайёрлайди;

Хукумат комиссияси аъзоларининг таклифлари, шунингдек, мuloҳазаларини қабул қиласди ва тизимлаштиради;

Хукумат комиссияси йиғилиши (сайёр йиғилиши) учун зарур хужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Хукумат комиссияси раиси билан йиғилиш (сайёр йиғилиш) ўтказиш муддати ва жойини, шунингдек, таклиф этилганлар рўйхатини келишади, Хукумат комиссияси аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни йиғилиш (сайёр йиғилиш) санаси, вақти ва ўтказиладиган жойи ҳақида хабардор қиласди;

Хукумат комиссияси йиғилиши баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомалар нусхалари Хукумат комиссияси аъзолари, тегишли давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилишини таъминлайди;

Хукумат комиссияси қарорлари ижроси мониторингини олиб боради ва унинг якунларини Хукумат комиссияси йиғилишида (сайёр йиғилишида) кўриб чиқиш учун киритади.

6-боб. Хукумат комиссияси қарорларини қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш тартиби

17. Хукумат комиссияси қарорлари Хукумат комиссиясининг йиғилишда (сайёр йиғилишда) иштирок этаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда Хукумат комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Хукумат комиссиясининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарор юзасидан ўз фикрини ёзма равишида билдиришга ҳақлидир.

18. Хукумат комиссияси йиғилишида (сайёр йиғилишида) қабул қилинган қарорлар баённома билан расмийлаштирилади ва ушбу баённома Хукумат комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ҳамда бир ҳафта муддатда Хукумат комиссияси аъзолари, тегишли давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

19. Хукумат комиссияси қарорлари бажарилишини назорат қилиш Хукумат комиссиясининг ишчи органлари томонидан тегишли қисми бўйича амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоида

20. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбордor ғулган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

